

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

9-10-сон  
(249-250)  
2007 й.  
февраль-  
март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

82. «Давлат бюджетининг разна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарори

### Учинчи бўлим

83. «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими ходимлари учун Ягона тариф сеткаси тармок коэффициентларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 февралдаги 41-сон қарори
84. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшишчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 февралдаги 42-сон қарори

85. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сон қарори
86. «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва ўйловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 мартағи 44-сон қарори
87. «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг универсал-ҳайдов тракторлари узеллари ва деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 мартағи 46-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

88. «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ўйриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 3 февралдаги 19-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 февралда 1499-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
89. «Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб китоб тартиби бўйича ўйриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 6 февралдаги 22-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 февралда 936-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
90. «Хусусий уй-жой мулқдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 12 февралдаги 11-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 февралда 1659-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
91. «Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 01 / 19-18 / 05-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 марта 1660-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
92. «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти бошлигининг 2007 йил 22 февралдаги 12-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 марта 1597-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

93. «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 14 февралдаги 21, 01/12-18/04-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 марта 1473-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
94. «Мактаб таълим министри ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 8 февралдаги 18, 2007-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 марта 1446-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 24 февралдан 9 марта гача бўлган маълумот

+

-

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**82**

### **Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблагларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ва услубиёти бошқармаси ҳамда маҳаллий молия органларининг ғазначилик бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигини ва унинг худудий бўлинмаларини молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Газначилик зиммасига куйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

—

Давлат бюджетинининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисбот тузиш;

+

Давлат бюджети маблагларини ягона ғазначилик ҳисоб рақами, шунингдек тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасида касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган худудий ғазначилик ҳисоб рақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равиша тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асосиз харажатларининг олдини олиш;

бюджет ташкилотларини, шу жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари ни молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишини мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботини юри-

тиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш.

3. Фазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий тузилмаси 1—4-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирига зарур ҳолларда Фазначиликнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари тузилмасига молия органлари бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳукуқи берилсин.

4. Қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилик бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномасига асосан лавозимга тайинланади ва озод этилади;

Фазначилик бошлиғи лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринbosари хисобланади;

Фазначилик ходимларига молия органлари ходимлари учун белгиланган меҳнат ҳаки шартлари татбиқ этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ўн кун муддатда — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

+ икки ҳафта муддатда — молия органлари, шунингдек бюджет ташкилотларининг молия-хисоб бўлинмалари ходимларини Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизими фаолият юритиши шароитларида ишлашга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўқув марказини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсан;

- икки ҳафта муддатда — Газначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур бинолар, компьютерлар, ташкилий техника ва бошқа анжомлар билан таъминлаш, шунингдек уларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини ишлаб чиқсан;

икки ой муддатда — Давлат бюджети ғазна ижроси тизимининг жорий этилиши муносабати билан муайян вазирликлар, идоралар ва ташкилотларни молиявий таъминлаш хусусиятига қараб бюджет ташкилотларининг молия-иқтисод хизматлари ходимлари сонини мақбуллаштириш ва 25 фоизгача қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна хисоб рақамига жамлаш ва ундан харажатлар тўловини амалга ошириш имконини берувчи Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини қабул қилсан.

6. Белгилаб қўйилсинки, бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилишга оид шартномалари Фазначиликда рўйхатга олиниши шарт.

7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргалиқда белгиланган тартибда республиканинг барча шаҳар ва туманларини қамраб олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

\* 1—4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тизимининг маълумотлар тармоғини ташкил этиш учун ер усти рақамли алоқа каналларини бериш чораларини кўрсин.

8. Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметасини бажариш функциялари Фазначиликка берилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига бюджет маблағлари олувчиларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган банк ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги Тошкент шахар, X. Сулаймонова кўчаси, 29-йў манзилидаги бинога жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

конун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий хужжатларнинг мазкур қарор талабларига мос равища мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 28 февраль,  
ПҚ-594-сон

+

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ КАРОРИ

## **83 Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими ходимлари учун Ягона тариф сеткаси тармоқ коэффициентларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллый телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-245-сон қарорига мувофиқ ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва профессионал талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Миллый телерадиокомпанияси ижодий-ишлаб чиқариш ва муҳандис-техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, шунингдек уларнинг касб даражасини ва мала-касини ошириши учун рағбатлар яратиш мақсадида Вазирлар Мажхамаси **қарор килилади:**

1. 2007 йил 1 мартаңдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасига биноан ҳисоблаб чиқарилган лавозим маошларига:

«O’zbekiston» телерадиоканали, «Sport» телерадиоканали, «Toshkent» телерадиоканали, «O’zbekteofilm» давлат унитар корхоналари, шунингдек «Yoshlar» телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ходимлари учун — 1,15 миқдорида;

ишлаб чикаришнинг ўзига хос хусусиятларига ва профессионал талабларга мувофиқ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси худудий бўлинмалари ходимлари учун — 1,1 миқдорида тармок коэффициентлари жорий этилсан.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ягона тариф сеткаси бўйича лавозим маошларига тармоқ коэффициентларини жорий этиш Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига, унинг тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек худудий бўлинмаларига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, штатдаги ходимлар сонини мақбуллаштириш хисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва профессионал талабларни ҳисобга олиб ҳодимларни рафбатлантиришни назарда тутивчи Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизими ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

си Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 26 февраль,  
41-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**84** **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизми ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 февраль,  
42-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 27 февралдаги 42-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартриш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари соилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сон қарорининг 1-бандида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 9-сон, 32-модда):

«ўсимлик ва» сўzlари чиқариб ташлансин;  
куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда ахолига ўсимлик ёфи сотиш факат юридик шахс шаклидаги чакана савдо ташкилотлари томонидан назорат-касса аппаратлари билан жихозланган турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини харид қилиш тўғрисида» 2000 йил 8 апрелдаги 136-сон қарорига 1-иловада:

а) 3.1-бандга куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Республика корхоналари томонидан пахта чигитидан ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёини харид қилиш тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4.1-бандга куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёини харид қилиш тартибга солинадиган нархлар бўйича амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилда пахта хом ашёси етишириш, фўзани навлар бўйича жойлаштириш ва навларни янгилашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 19 декабрдаги 477-сон қарорининг 8-банди ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — факат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айrim турлари рўйхатига қўйидаги мазмундаги 14-банд қўшилсин:

«14. Ахолига ўсимлик ёфи сотиш».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хом ашёси етиширишда бозор принципларини амалга ошириш ва уни етиширишни ташкил этишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 февралдаги 93-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 2-сон, 16-модда) 7-бандидаги «ўсимлик мойининг 50 фоизи ва» сўzlари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 марта даги 93-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 3-4-сон, 17-модда):

7-бандга «қабул қилишни» сўzlаридан кейин «Ўзбекистон «Сифат» марказининг Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси вакиллари иштирокида» сўzlари қўшилсин;

8-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

«8. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ўз таркибида кирадиган корхоналар ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан биргаликда ҳар йили пахта хом ашёси ва чигитни қайта ишлаш тугаллангандан кейин барча пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини хатловдан ўтказсинлар ва омборларни тозаласинлар. Хатлов натижалари бўйича материаллар ҳар йили ҳисобот йилининг 1 августигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасига ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилсин».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**85 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim  
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунiga мувофиқ Вазирлар Мажкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсан.

2. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат уй-жой фондини сақлаш қоидалари лойиҳасини ишлаб чиқсан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасига киритсан.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 1 март,  
43-сон

Вазирлар Мажкамасининг  
2007 йил 1 марта 43-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Мажкамасининг «Уй-жойларни уй-жой ширкатлари бошқарувига бериш ва уй-жой фондини сақлаш, тузатиш масалаларида давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқ-

лаш ҳақида» 1999 йил 4 октябрдаги 454-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 60-модда):

1) қарор номидаги ва 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари билан алмаштирилсин;

2 ва 3-бандлардаги «үй-жой мулкдорлари ширкатларини» ва «үй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари тегишли равишда «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатларини» ва «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 2-иловада:

а) илова номидаги, кириш қисмидаги ва 1-бобнинг номидаги «үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.1. Хусусий үй-жой мулкдорларини бирлаштирувчи ҳамда уларнинг манфатларини ифодалаш хуқуқини олган ширкатлар ташкил этилганда ширкат хусусий үй-жой мулкдорларининг розилиги ва уларнинг топшириғига кўра кўп квартирали үй (ўйлар)даги биноларни бошқаришни ўз зиммасига олади».

в) 1.2-банднинг тўртинчи хатбоши ва 1.3-банд чиқариб ташлансин;

г) 1.4-банд 1.3-банд деб ҳисоблансан ин ва қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.3. Ширкат баланс сакловчи функциясини бажарган ҳолда уйнинг техник хужжатларини юритади, уни балансда ҳисобга олади. Бунда тураг жой ва тураг жойга мўлжалланмаган майдонлар ҳисоби алоҳида юритилади»;

1.5-банд 1.4-банд деб ҳисоблансан ин;

д) 2-бобнинг номидаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатининг» сўзлари «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 2.1. ва 2.3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан ин;

з) 2.2-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансан ин;

и) 2.4 ва 2.5-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«2.4. Мулкдорлардан бири давлат ҳокимияти органлари ҳисобланган уйларда давлат үй-жой фондини бошқариш үй-жой фонди мулкдори билан бошқарувчи (ижро этувчи директор) ёки бошқарувчи ташкилот ёхуд хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати ўртасида тузиладиган шартнома бўйича амалга оширилиши мумкин.

2.5. Қўйидагилар үй-жой фондини бошқариш юзасидан шартноманинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

бошқариш амалга ошириладиган кўп квартирали үйдаги бинолар мулкдорлари умумий мол-мулкининг таркиби ҳамда уйнинг манзили;

бошқарувчи (ижро этувчи директор) ёки бошқарувчи ташкилотнинг кўп квартирали үйдаги бинолар мулкдорлари умумий мол-мулкини, унга ёндош ер участкасини ободонлаштириш элементлари билан бирга саклашни таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

бошқарувчи (ижро этувчи директор) ёки бошқарувчи ташкилот хизматларига ҳак тўлаш тартиби ва миқдори;

кўп квартирали уйнинг техник хужжатларини бериш тартиби;

бошқарувчи (ижро этувчи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш тартиби»;

к) 2.7-банддаги «битим бўйича ўз мулкида бўлган үй-жойларнинг умумий майдонига тенг харажатлар улушини» сўзлари «шартнома бўйича уйнинг умумий майдонида уларнинг мулки бўлган бинолар майдонига мутаносиб миқдорда харажатларни» сўзлари билан алмаштирилсан;

л) 2.11-банддаги «үй-жойни сақлаш ва тузатиш масаласи бўйича иморат жойлашган жойдаги мулкчиликнинг исталган шаклидаги тузатиш, фойдаланиш ташкилоти билан битим» сўзлари «бошқарувчи (ижро этувчи директор), бошқарувчи ташкилот ёки тегишли хизмат кўрсатувчи ва тузатиш ташкилотлари билан шартнома» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) изоҳ ва илова чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш учун маблағлар тўплаш (йиғиш) ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги вақтингчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 18 январдаги 16-сон қарорига иловада (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 4-модда):

а) 1-банддаги «138-моддага мувофиқ» сўзлари «137-моддага мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

ўзбек тилидаги матннинг биринчи хатбошида «тураг жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

«а» кичик бандидаги «техникавий хизмат кўрсатиш» сўзлари «бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўзбек тилидаги матннинг «б» кичик бандида «тураг жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

«в» кичик бандидаги «кўп квартирали уйларга қараш бўйича фойдаланиш харажатлари» сўзлари «кўп квартирали уйларни сақлаш бўйича умумий харажатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик бандидаги «улушлари» сўзи «бадаллари» сўзи билан алмаштирилсин, ўзбек тилидаги матннинг ушбу кичик бандида «тураг жой» сўзидан фойдаланилмаган;

ўзбек тилидаги матннинг тўққизинчи хатбошида «тураг жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

г) ўзбек тилидаги матннинг 5-банди иккинчи хатбошида, 6-банди иккинчи хатбошида, 10, 11 ва 17-бандларида «тураг жой» сўзларидан фойдаланилмаган.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан хисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда):

1-илова 9-бандининг еттинчи хатбошидаги «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илова 12-бандининг ўнинчи хатбошидаги «уй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини амалга ошириш бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 6-модда):

1) 1-иловада (Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати тўғрисида Вақтингчалик низом):

а) 5-банддаги «уй-жойлардан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш юзасидан» сўзлари «уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш юзасидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «үй-жойлардан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш юзасидан» сўzlари «үй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш юзасидан» сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «таъмирлаш-фойдаланиш ишларини» сўzlари «таъмирлаш ишларини» сўzlари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўzlари «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Үй-жой мулкдорлари ширкатлари», «фойдаланиш» сўzlари тегишли равища «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «таъмирлаш» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «фойдаланиш» сўзи «таъмирлаш» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «Үй-жой мулкдорлари ширкати» сўzlари «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўзбек тилидаги матнинг иккинчи хатбошида «турар жой» сўzlаридан фойдаланилмаган, «фойдаланиш» сўзи «сақлаш» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 9-бандда:

олтинчи хатбошидаги «Үй-жой мулкдорлари ширкатларидан» сўzlари «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатларидан» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «фойдаланиш ва коммунал хизматларнинг» сўzlари «хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари, шунингдек коммунал хизматларнинг» сўzlари билан алмаштирилсин;

д) Вактингчалик низомга 1-иловада:

илованинг номидаги «Үй-жой (квартира)га техник хизмат кўрсатиш» сўzlари «Үй-жой (квартира)ни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш» сўzlари билан алмаштирилсин;

2.1-банднинг учинчи хатбошидаги «үй-жойлардан фойдаланиш хизмати ва коммунал хизматлар» сўzlари «үй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ҳамда коммунал хизматлар» сўzlари билан алмаштирилсин;

4.3-бандга «муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда» сўzlари кўшилсин;

е) Вактингчалик низомга 2-иловада:

илованинг номидаги ва кириш қисмидаги «үй-жойни таъмирлаш ва ундан фойдаланиш корхонаси» сўzlари «хизмат кўрсатувчи ва таъмирлаш ташкилотлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

учинчи хатбошидаги «Үй-жой мулкдорлари ширкатларидан» сўzlари «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатларидан» сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртингчии хатбошидаги «фойдаланиш ва коммунал хизматларнинг» сўzlари «хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатиш ишларининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «үй-жойдан фойдаланиш хизматларини» сўzlари «бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни» сўzlари билан алмаштирилсин;

2) 2-иловада (Кўп квартирали ўйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом):

а) ўзбек тилидаги матнинг 2-банди биринчи хатбошида «турар жой» сўzlаридан фойдаланилмаган;

б) 7-бандда:

«е» кичик бандидаги «таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотига ва тегишли авария хизматига» сўзлари «тегишли авария-таъмирлаш хизматига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ж» кичик бандидаги «таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотлари вакилларининг» сўзлари «тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакилларининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 8-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Туар жойларнинг яшаш учун мўлжалланмаган жойларини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ҳамда ташки томонини ободонлаштириш, шунингдек ўй атрофидаги худудга санитария хизмати кўрсатиш ва унга қараш белгиланган стандартлар, нормалар ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади»;

г) 9-бандда:

«в» бандидаги «таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотларининг» сўзлари «авария-таъмирлаш хизматларининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

олтинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хусусий ўй-жой ширкатлари томонидан амалга ошириладиган кўп квартирали уйларда ушбу банднинг «а», «б», «в» кичик бандларида кўрсатилган харажатлар бевосита хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатига яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари (ёлловчилари, ижарага олувчилари) томонидан қопланади»;

д) ўзбек тилидаги матннинг 11-бандида «туар жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

е) 12-банднинг иккинчи хатбошидаги «ўй-жой мулкдорлари ширкатининг» сўзлари «хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

ж) ўзбек тилидаги матннинг IV бўлими номида «туар жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

з) ўзбек тилидаги матннинг 13-бандида «туар жой» сўзларидан фойдаланилмаган, ушбу банддаги «техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини» сўзлари «хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг белгиланган стандартлари, норма ва қоидаларини» сўзлари билан алмаштирилсан;

и) ўзбек тилидаги матннинг 15-бандида «туар жой» сўзларидан фойдаланилмаган;

к) Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга илова номида «туар жой» сўзларидан фойдаланилмаган.

5. Вазирлар Махкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 4-сон, 23-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ўй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари «хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

учинчи хатбошидаги «ўй-жой мулкдорлари ширкатлари», «ўй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари тегишли равишда «хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари», «хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари билан алмаштирилсан;

б) 3-банддаги «ўй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари «хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларига» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 6-бандда:

+

иккинчи хатбошидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатларига» сўзлари тегишли равишда «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «умумий харажатларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг кириш қисмидаги «Үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари «Хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Махкамасининг «Олий ўкув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиши учун таълим кредитлари бериш тўғрисида» 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 7-сон, 43-модда) 9-бандининг «в» кичик бандидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўсиз амалга ошириладиган хужжатлар рёйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 1-сон, 4-модда) илованинг V бўлимида:

а) бўлимнинг номидаги ва 7-банднинг биринчи хатбошидаги «таъмирлаш-фойдаланиш харажатлари» сўзлари «умумий харажатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «таъмирлаш-фойдаланиш харажатлари» ва «техник хизмат кўрсатиш ва үй-жойни таъмирлашга», «сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларига» сўзлари тегишли равишда «умумий харажатлар» ва «үй-жойни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга», «сақлаш харажатларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «техник хизмат кўрсатиш» сўзлари «бошқариш» сўзи билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Махкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 27 январдги 32-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда) 1-иловада:

а) илованинг номидаги, XII бўлимнинг 97—99-бандларидағи, 103-банди биринчи хатбошидаги, 106-банди биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 107 ва 109-бандларидаги «үй-жой мулкдорлари ширкатлари», «үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари тегишли равишда «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкатлари», «хусусий үй-жой мулкдорлари ширкати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) XIII бўлимда:

118-банднинг биринчи хатбошидаги «бир ойдан» сўзлари «уч ойдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

129-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«129. Маший абонентлар тўлов бўйича бир ва ундан кўп ой учун карз мавжуд бўлганда тўлов муддати ўтган хар бир кун учун 0,1 фоиз микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайдилар».

9. Вазирлар Махкамасининг «Эгасиз турар жойларни аниқлаш, уларни хисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2006 йил 21 январдаги 8-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2006 й., 1-сон, 4-модда) илованинг 1-бандидаги, 4-бандининг «а» ва «б» кичик бандларидаги, 5-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 6-бандининг иккинчи хатбошидаги, 7-бандининг иккинчи хатбошидаги, 9-бандидаги, 12-бандининг учинчи хатбошидаги,

15-бандининг иккинчи хатбошидаги ҳамда 19-бандидаги «ўй-жой мулқдорлари ширкатлари», «ўй-жой мулқдорлари ширкатларининг», «ўй-жой мулқдорлари ширкатини», «ўй-жой мулқдорлари ширкатининг» сўзлари тегишли равиша «хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари», «хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларининг», «хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатини», «хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ**

**86 Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчила-  
ри хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари  
тўғрисида**

«Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари харакатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсан; ушбу қарорнинг талабларини автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари ҳамда аҳоли эътиборига белгиланган тартибда етказилишини, улар ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали зарур тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл харакати қоидаларига 2007 йил 1 июлдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 март,  
44-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Вазирлар Махкамасининг  
2007 йил 6 мартағи 44-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Йўл ҳаракати қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3.3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.3. Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камари тақиб олиши ва хавфсизлик камарлари тақилмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт. Қўйидагиларга хавфсизлик камари тақмасликка руҳсат берилади:

Қоидаларнинг 25.8-бандига мувофиқ орқа ўриндикдаги 12 ёшгача бўлган болалар;

транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришини ўргатаётган шахс;

ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;

орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;

аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;

аҳоли пунктларида — ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган маҳсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.



Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тутмаланган маҳсус бош кийими кийиши ва тутмаланган маҳсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак».



2. 6.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6.1. Йўловчилар транспорт воситасига факат у тўлиқ тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси томонидан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар. Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томонидан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда у йўлнинг қатнов қисми томондан амалга оширилиши мумкин, бунда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит берилмаслиги ва хавф туғдирилмаслиги керак.

Хавфсизлик камарлари билан жиҳозланган транспорт воситасида юришда йўловчилар хавфсизлик камари тақсан бўлишлари (Қоидаларнинг 3.3-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мотоциклда юрганда эса тутмаланган маҳсус бош кийими кийишлари шарт».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

**87 «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг универсал-хайдов тракторлари узеллари ва деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компаниясининг «ЎзКейсТрактор» қўшма корхонаси томонидан «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг тракторлар балансировкаси ва хавфсизлиги тизимини, шунингдек қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари билан агрегатлаш учун осма ва тиркама асбоб-ускуналар тизимини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилган.

Шу билан бирга, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни амалга оширишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари салоҳиятидан тўлиқ даражада фойдаланилмади.

Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини, шу жумладан ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи иштирокчи корхоналар сонини кенгайтириш йўли билан янада мақбуллаштириш максадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006–2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси томонидан ишлаб чиқилган, 2008 йилда маҳаллийлаштириш даражасини 34 фоизгача етказишни таъминлайдиган «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг универсал-хайдов тракторлари узеллари ва деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича тадбирлар 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

2. «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг универсал-хайдов тракторлари узеллари ва деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича тадбирларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси бошқаруви раиси зиммасига юклансин.

3. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори билан маъқулланган Тайёр маҳсулот турлари, материаллар ва хом ашё ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхатига «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг универсал-хайдов тракторларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани киритиш йўли билан 2-иловага\* мувофиқ қўшимчалар киритиш тўғрисидаги;

2007 йил учун белгиланган маҳаллийлаштириш даражаси бажарилган тақдирда 2008 йилда кўрсатиб ўтилган лойиҳа муддатини узайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори 2-бандига мувофиқ «ЎзКейсТрактор» ва «ЎзКейсМаш» қўшма корхоналари-

\* 1-2-иловалар берилмайди.

га 2009 йил 1 январгача бўлган муддатда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. «ЎзКейсТрактор» ва «ЎзКейсМаш» қўшма корхоналарининг 2007-2008 йилларда «Кейс Нью-Холланд» компаниясининг 250 та универсал-ҳайдов тракторини, шунингдек 180 та «Кейс-1200» пневматик универсал сеялкани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори билан берилган солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси доирасида камайтирилган амалдаги қийматидан паст нарх бўйича сотиш тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

6. «ЎзКейсТрактор» ва «ЎзКейсМаш» қўшма корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори доирасида солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш натижасида бўшайдиган маблағларни ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган маҳсулотларнинг амалдаги қиймати ва уларни сотиш нархи ўртасидаги тафовутларни коплаш учун йўналтиришига руҳсат этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 март,  
46-сон

+

-

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**88**

**Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш,  
тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғри-  
сидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар кири-  
тиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 февралда 1499-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 9 марта кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари хисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сакланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 95-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида **буояраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 160-сон бўйруфи билан тасдиқланган «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (2005 йил 29 июль, рўйхат рақами 1499) иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

3. Ушбу бўйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Оллаберганов зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири**

**С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 февраль,  
19-сон

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2007 йил 3 февралдаги 19-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва  
сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 50-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«50. Уруғлик дон етиширувчилари томонидан топширилган уруғлик маҳсулотларни харид қилишда, дон қабул қилиш корхонаси лабораторияси томонидан уруғлик маҳсулотдан кондицион уруғлик ва иккинчи даражали маҳсулот, яъни дон чиқиндининг (1000 дона уруғлик доннинг оғирлиги ва намлигини хисобга олган ҳолда) чиқиш фоизи аниқланади.».

2. 100-банддаги «(91-сонли шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 20 мартағи 137-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар хисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома») сўзлари «(91-шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки хисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 107-банд қўйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Навли уруғларнинг ҳар бир туркумини беришда қўйидаги хужжатлар расмийлаштирилади:

- а) Уруғликка аттестат (86-шакл) — барча ўсимликларнинг элита уруғига ва суперэлитасига, шунингдек маккажухорининг ўзидан-ўзи чангланган линиялари уруғига;
- б) Уруғликка гувоҳнома (85-шакл) — қолган барча репродукциялар уруғига;
- в) Маккажўхорининг гибрид уруғларига гувоҳнома (84-шакл) — маккажўхорининг гибрид уруғларига.».

4. 109-банддаги «(21-сон шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 20-мартағи 137-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар хисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома») сўзлари «(21-шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки хисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом)» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар келишилган:**

*Молия вазирининг биринчи  
ўринбосари*

*Б. АШРАФХОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 1 февраль*

**88-модда**

**— 22 —**

**9-10 (249-250)-сон**

*Иқтисодиёт вазири*

*Б. ХҮЖАЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 1 февраль*

*«Ўзстандарт» агентлиги бош  
директори*

*P. БЎРИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 2 февраль*

*«Ўздонмаҳсулот» АҚ раиси*

*Э. ҚУДРАТОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 1 февраль*

*«Ўздавурургазоратмаркази»  
бошлиги*

*A. АБДУСАТТАРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль*

*«Ўздавонинспекцияси» бошлиги*

*P. АКБАРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль*

*РАТБ «Галлабанк» бошқаруви раиси*

*Ш. ТОШМУРОДОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль*

**+**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУФИ

**89      Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб  
чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб тартиби бўйича  
йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 февралда 936-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 9 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги «Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими» тартиби бўйича ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб тартиби бўйича йўриқнома»га тадбирлар тўғрисида»ги 95-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 160-сон буйруфи билан тасдиқланган «Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб тартиби бўйича йўриқнома»га (2000 йил 20 июнь, рўйхат рақами 936) иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйрук Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтганидан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Оллаберганов зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири**

**С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 февраль,  
22-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**90 Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 февралда 1659-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 9 марта кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги 64-сонли «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва туарр-жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорига мувофиқ **буюраман**:

- 1. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиклансин.
- 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.
- 3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директорнинг ўринbosари О.Ю. Ахмедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»  
агентлиги бош директори**

**У. ХАЛІМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 февраль,  
11-сон

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат»  
агентлиги Бош директорининг 2007 йил  
12 февралдаги 11-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал  
хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш  
чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш  
учун жавобгарлик тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожланти-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

риш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 64-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил 15-сон, 127-модда) асосан хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар (совук сув ва иссиқ сув таъминоти, сувокова (канализациялар), иссиқлик (иссиқлик таъминоти), электр таъминоти ва газ таъминоти хизматларини кўрсатувчи корхоналар) ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари хамда муҳандислик коммуникацияларини саклаш учун жавобгарликни тартибга солади.

### I. Умумий қоидалар

1. Кўп квартирали уйларда муҳандислик тизимларини (истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишдаги муҳандислик тармоқлари, қурилма ва жиҳозларини) саклаш учун жавобгарлик чегаралари биритирилган тармоқлар орқали коммунал хизматларини кўрсатувчилар билан хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ўртасида мулкчилик ёки эгалик ҳуқуқи асосида қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

2. Коммунал хизматлар кўрсатувчи (кейинги ўринларда матнда етказиб берувчи деб юритилади) муҳандислик тизимларига, жумладан муниципал мулк хисобланган магистрал тармоқларига, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида эгалик қиласди.

3. Жойлашуви бўйича уйларнинг ташқарисида ёки ичкарисида ва биттадан ортиқ хонадонга хизмат кўрсатаётган уйларнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, механик, электр, санитар-техник ва бошқа жиҳоз ва қурилмаларига (кейинги ўринларда матнда уйларнинг умумий муҳандислик тизимлари деб юритилади) кўп квартирали уйлардаги (турар ва нотурар) хонадон мулкдорларига умумий мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли.

4. Умумий муҳандислик тизимларини саклаш ушбу мулкдан фойдаланишга зарур бўлган шароитларни яратиш ва уни саклашга йўналтирилган бошқариш, техник ва санитар ҳолатини саклаш (хизмат қилиш), таъмирлаш ва бошқа фаолиятларни ўз ичига олади.

5. Етказиб берувчи ўзининг хўжалик юритиш ёки оператив бошқарувида бўлган муҳандислик тизимларининг техник ҳолатини зарур даражада сакланиши хамда кўрсастилаётган коммунал хизматларининг белгиланган сифатини таъминлаш учун масъулдир.

Газ таъминоти бўйича етказиб берувчи кўп квартирали уйларда газ тармоқлари ва газ хўжаликларининг сакланиши, уларнинг доимий равишда соз ҳолатда бўлиши ва техник жиҳатдан юқори тайёргарликка эга бўлишида масъул, шунингдек газдан фойдаланишда ҳавфсизликни таъминлайди.

6. Уйларнинг умумий муҳандислик тизимларининг техник ҳолати устидан техник назорат етказиб берувчи томонидан кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади.

7. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (кейинги ўринларда матнда ХУЖМШ деб юритилади) хонадон эгалари томонидан уйнинг умумий мулкини саклаб туриш учун тўланадиган мажбурий тўловлар ҳисобидан, белгиланган қоидалар ва ХУЖМШ аъзоларининг умумий мажлиси қарорларига мувофик уйларнинг умумий муҳандислик тизимларига (газ таъминоти тармоқлар тизими бундан мустасно) сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун масъулдир.

**II. Коммунал етказиб берувчилар билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида мухандислик коммуникацияларнинг тегишлилиги бўйича бўлиниш чегаралари**

8. Иссиклик ва иссиқ сув таъминоти мақсадларидағи иссиқлик энергияси етказиб берувчисига тегиши бўлган кўп квартирали уйлардаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик пунктларини (бошқарув шоҳобчалари) ўз ичига олган марказлашган иссиқлик таъминоти тизими ва марказлашган иссиқлик таъминоти умумий мухандислик тизимлари ўртасида мухандислик коммуникацияларининг бўлиниш чегаралари иссиқлик пункти (бошқарув шоҳобчаси)дан сўнг иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларининг бош зулфинлари хисобланади.

Иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларининг бош зулфинлари умумий уй тизимларининг бир қисмидир.

9. Совук сув таъминоти етказиб берувчисига тегиши бўлган совук сув таъминоти тизими ва совук сув таъминоти тизимининг умумий мухандислик тизимлари ўртасидаги бўлиниш чегаралари кириш шоҳобчасининг чиқиш зулфи ва ёнфинга қарши зулфинлари хисобланади. Чиқиш ва ёнфинга қарши зулфинлар умумий уй тизимларининг бир қисмидир.

10. Канализация оқоваларини қайтариш бўйича етказиб берувчига тегиши бўлган сув қайтариш (канализация) тизими ва умумий мухандислик тизимлари ўртасидаги чегара умумий мухандислик тизимидан уйдан биринчи кудукка чиқариш чиқиши хисобланади.

11. Электр таъминоти корхонасига (электр етказиб берувчи) тегиши бўлган электр таъминоти тизими ва электр таъминотининг умумий уй тизими ўртасидаги бўлиниш чегараси:

- а) кабел киритилган ҳолда, кўп квартирали уйнинг кириш-таксимлаш қурилмасига кираётган тўйинтираётган кабел пойнаклари;
- б) ҳаволи тармоқланиш ҳолларида, бино ёки труба тиргагичида ўрнатилган биринчи ажратгичлар.

**III. Якунловчи қоидалар**

12. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.*

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль

*Давлат архитектура ва қурилиши  
қўмитаси раиси*

**А. ТОХТАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик  
компанияси бошқарув раиси

Б. ТЕШАБАЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль

«Ўзтрансгаз» акциядорлик  
компанияси Бош директори

И. ВАГАПОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль

Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари  
ширкатларининг ўюшмаси раиси

А. МИРДЖАЛИЛОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 февраль

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

-

## 91 Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
2 марта 1660-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 12 мартадан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш фаолиятини лицен-  
зиялаш тўғрисида» 2003 йил 8 майдаги 210-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, ўн кундан кейин кучга киради.

Давлат мулкини бошқариш  
давлат қўмитаси раиси

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 декабрь,  
01 / 19-18 / 05-сон

---

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Давлат мулки кўмитасининг  
2006 йил 1 декабрдаги 01/19-18/05-сон  
каори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака  
талаблари тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарорига мувофиқ, профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талабларини белгилайди ва профессионал баҳоловчи аттестатини олиш учун аттестация (қайта аттестация)дан ўтишга хужжатларни тақдим этиш пайтида юридик шахсларнинг асосий иш жойи бўйича штатдаги ходимлари сифатида фаолият юритаётган профессионал баҳоловчиларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилади.

1. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**баҳолаш ташкилоти** — қонунчиликда белгилangan тартибда баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс;

**профессионал баҳоловчи** — баҳоланадиган объект қийматини белгилашни бевосита амалга оширадиган жисмоний шахс;

**баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси;

**ўқув маркази** — баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган баҳолаш фаолияти соҳасига оид дастурлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш (малакасини ошириш)ни амалга оширувчи ташкилот.

2. Профессионал баҳоловчи қўйидаги малака талабларига жавоб берishi керак:

а) иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга ҳамда охирги ўн йил ичida баҳолаш фаолияти соҳасида камида бир йиллик иш стажига ёки бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик соҳасида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши;

ёхуд олий маълумотга ҳамда охирги ўн йил ичida баҳолаш фаолияти соҳасида камида икки йиллик иш стажига ёки бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида камида уч йиллик иш стажига эга бўлиши;

ёхуд иқтисод, юридик ёки техник фанлари номзоди (доктори) илмий даражаларига эга бўлиши;

якка тартибдаги тадбиркор учун — иқтисодиёт мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиши ҳамда баҳоловчи сифатида камида беш йил иш стажига эга бўлиши;

б) ўқув марказларида таълим олганлиги, бунда ўқиш муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши керак;

бошқа мамлакатларда баҳолаш бўйича тегишли курсларни тутатганилиги тўғрисида чет эл мамлакатининг халқаро даражадаги сертификатлари мавжуд бўлса ва ўқиш муддати тугаган санадан бошлаб шу вақтга қадар уч йилдан ортиқ муддат ўтмаган тақдирда, ўқув марказларида таълим олган бўлиши шарт эмас;

в) профессионал баҳоловчи аттестатига эга бўлгандан сўнг, кейинги йилдан бошлаб ҳар йили ўқув марказларида малака ошириш дастурлари асосида йиллик ҳажми олтмиш соатдан кам бўлмаган ҳажмдаги ўқув курсларда таълим олиши;

бошқа мамлакатларда ўқув курсларининг йиллик ҳажми олтмиш соатдан кам

бўлмаган ҳолда (профессионал баҳоловчи аттестатига эга бўлгандан сўнг, кейинги йилдан бошлаб) малака ошириш бўйича тегишли курсларни тутатганлиги тўғрисида чет эл мамлакатининг халқаро даражадаги сертификатларига эга бўлган тақдирда, ўқув марказларида малака ошириш бўйича таълим олиниши шарт эмас;

г) баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда бериладиган профессионал баҳоловчи аттестатига эга бўлиши;

д) ишчанлик обрўсига путур етмаган бўлиши керак.

Бунда, ишчанлик обрўсига путур етганлар — корхона, муассаса ва ташкилотларда суд белгилаган муддат мобайнида баҳолаш ёки молиявий-хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан, ёхуд якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахслар хисобланади.

3. Мазкур Низомдан келиб чиқадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

4. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-куватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.*

**Б. УЛАШОВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 25 январь*

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА  
ЖИНОЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИФИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**92 «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
6 марта 1597-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2007 йил 16 марта кунчага киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимида ишончини мустаҳкамлашга оид кейинги чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 12 январдаги ПҚ-565-сон ва «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги айрим қонун хужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида»ги 2007 йил 20 февралдаги ПҚ-586-сон қарорларини бажариш мақсадида, **буюраман:**

1. «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг (2006 йил 19 июль, рўйхат раками 1597 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 284-модда) амал қилиши 2013 йил 1 январгача даврда тўхтатиб турилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Бош прокуратураси ҳузуридаги солик,  
валютага оид жиноятларга ва жиной  
даромадларни легаллаштиришга қарши  
курашиш департаменти бошлиғи**

**Н. ЮЛДАШЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 22 февраль,  
12-сон

**Келишилди:***Марказий банк Бошқаруви раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 28 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**93      Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат  
акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича  
фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш хақидаги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар кири-  
тиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
7 марта 1473-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 17 мартадан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли қарорига мувофиқ ҳамда хўжалик жамиятларининг устав фондидаги давлат улушларидан самарали бошқарилишини такомиллаштириш максадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» (2005 йил 27 апрель, рўйхат раками 1473 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 17-18-сон, 132-модда) 2005 йил 14 марта 33, 01/06-18/02-сонли қарорига иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилисин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 14 февраль,  
21-сон*

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**Ўзбекистон Республикаси давлат  
мулкини бошқариш давлат қўмитаси  
раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 14 февраль,  
01 / 12-18 / 04-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**94 Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий аж-  
ратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
7 марта 1446-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 17 мартадан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) мувофиқ қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги З ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 37-модда, 39-сон, 300-модда; 2006 йил, 6-7 сон, 44-модда, 28-29 сон, 278-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 февраль,  
18-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**Давлат солиқ құмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 февраль,  
2007-16-сон

+

-

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2007 йил 24 февралдан 9 мартача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 3 февралдаги 19-сон буйруги.

**2007 йил 27 февралда 1499-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 мартадан кучга киради).**

2. «Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб китоб тартиби бўйича йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2007 йил 6 февралдаги 22-сон буйруги.

**2007 йил 27 февралда 936-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 мартадан кучга киради).**

3. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг 12 февралдаги 11-сон буйруги.

**2007 йил 27 февралда 1659-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 мартадан кучга киради).**

4. «Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариши давлат қўмитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 01/19-18/05-сон қарори.

**2007 йил 2 марта 1660-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 12 мартадан кучга киради).**

5. «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиши департаменти бошлигининг 2007 йил 22 февралдаги 12-сон буйруги.

**2007 йил 6 марта 1597-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 мартадан кучга киради).**

6. «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги қарорга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқарии давлат қўмитасининг 2007 йил 14 февралдаги 21, 01/12-18/04-сон қарори.

*2007 йил 7 марта 1473-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 мартадан кучга киради).*

7. «Мактаб таълим мини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 февралдаги 18, 2007-16-сон қарори.

*2007 йил 7 марта 1446-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 мартадан кучга киради).*

**Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишининг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 23 январдаги 21-сон, 2005 йил 21 апрелдаги 68-сон, 2005 йил 12 июлдаги 114-сон буйруқлари ва 2006 йил 18 сентябрдаги 01-04/1-1334-сон хати.

+

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирманган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

-

—

+